# “Ўзбекистонда Кимёвий технологиялар маркази салоҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида мастер-планнинг жамоатчилик эшитуви бўлиб ўтди

// 09.07.2025
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzbekistonda-kimyoviy-tehnologiyalar-markazi-salohiyatini-os




Бугун пойтахтимизда “Ўзкимёсаноат” АЖ ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан бирга амалга оширилаётган “Ўзбекистонда Кимёвий технологиялар маркази салоҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида мастер-планнинг жамоатчилик эшитуви бўлиб ўтди.




Тадбирда “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари, давлат идоралари, илмий-тадқиқот муассасалари, халқаро ташкилотлар ва хусусий сектор вакиллари иштирок этдилар.

Унда мазкур лойиҳанинг мамлакатимиз кимё саноатини трансформация қилиш ва илмий-техник салоҳиятни оширишга қаратилган муҳим қадам эканлиги таъкидланди.




Лойиҳанинг асосий мақсадлари ва режалари қуйидагилардан иборат:

- 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш;
- мамлакатимизда энг сўнги технология жиҳозлари ўрнатиш;
- халқаро технологияларни трансфер қилиш ва экспорт салоҳиятини ошириш.




Ушбу ташаббус, шунингдек, Корея Республикасига 10 нафар докторантура ва 12 нафар магистратура таълими учун муносиб номзодини юбориш ва уларнинг билим ва малакаларини оширишни назарда тутади. Ҳозирги кунда, 7 нафар докторант ва 11 нафар магистрант Кореянинг олий таълим муассасаларида таҳсил олишмоқда.




Тадбир иштирокчилари KOICA ва KRICT билан амалга оширилаётган ҳамкорликни юқори баҳолашди, айтилишича, ушбу лойиҳа нафақат илмий ва ишлаб чиқариш соҳаларида, балки кадрлар тайёрлаш, технологиялар трансфери ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳаларида ҳам катта имкониятлар яратишини таъкидладилар.


Opening remarks
Uzkimyosanoat
Hilton
TASHKENT CITY
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26


Uzkimyosanoat
2
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26




**“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати**